*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2011 йил 25 январь ● сешанба ● № 3 (730) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

Режали юртнинг йўли ойдин

## Озод ва обод Ватан

### озод ва обод қалбда барпо этилади

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзуидаги маърузасидан кейинги ўйлар.**

ЎТГАН шанба куни Юртбошимизнинг маърузасини газеталарда ўқиб, кечқурун телеэкран орқали тингладик. Бир кун олдин Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилинган бу маърузада 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари таҳлил қилиниб, 2011 йилга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олинди. Албатта, маърузани ўқигандан кейин уни уқиш, тинглагандан сўнг фикрлаш керак. Акс ҳолда хулоса чиқара олмайсиз.

Маърузада кўплаб рақамлар ва фоизлар тилга олинган. Уларни қуруқ таъкидлаб ёки такрорлаб ўтмасдан, деярли ҳар бирининг устида чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, юз берган ўзгаришларни ҳаёт билан боғлаб, бир ёки бир неча йил олдинги ҳолатни бугунги натижа билан қиёслаб, шундан кейингина хулоса чиқарсангиз, адашмайсиз.

Юртбошимиз Ватан мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонлашга тайёргарликнинг бориши билан фахрланар экан, барча соҳалар ва тармоқларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларни атрофлича таҳлил этиб: **"Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда"**, деди. Ўн тўққиз-йигирма йилдирки, бизнинг халқимиз йўқчилик, қаҳатчилик, муҳтожлик, ўзгаларга қарамлик нималигини билмайди. Аксинча, йил сайин юртимиз тўкин-сочинлик ва мўлкўлчиликка бурканиб бормоқда. Бугунги бозорларни ва дўконларни айлансангиз кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳан енгил тортасиз, шукроналар айтасиз.

Ҳозир бозорда ёки дўконда "нима йўқ", деб сўрасангиз, "бу нима деганингиз", деган жавобни эшитасиз. Бўлганда ҳам барча маҳсулотлар танлаб, саралаб, савдолашиб оладиган даражада мўл.

Бизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки ислоҳот инсон учун ўтказилди. Шунинг учун ҳам уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳамда халқимизнинг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди, деб айта олмаймиз. Чунки, бизда уч йилдан бери ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари юқори. Энг эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат, транспорт, алоқа ва хизмат соҳаларининг улуши ўсиб бораётгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Президент ўз маърузасида бунинг сабабини шундай изоҳлайди: **"Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда".**

**(Давоми иккинчи бетда)**

Адлия ёрдам берди

## Панжа ортидаги ҳақиқат

### тақдимнома киритилгач аниқланди

МУСТАҚИЛЛИККА эришганимиздан сўнг ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларининг фаолият юритиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида кўплаб қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Шундай бўлса-да, бугунги кунда тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шартнома шартларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Жумладан, Зомин туманидаги "Умид-А" фермер хўжалиги раҳбари А.Илашев 2009 йилги ғалла ҳосилидан "Зарбдор элеватор" АЖга уруғлик ғалласи топширган бўлса-да, "Зарбдор элеватор" АЖ томонидан фермер хўжалигига топширилган ғалла ҳосили учун пул маблағи тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб ариза йўллади. Мазкур ариза Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, "Зарбдор элеватор" АЖ билан Зомин туманидаги "Умид-А" фермер хўжалиги ўртасида 2009 йил 20 январда давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон экинлари уруғлигини харид қилиш бўйича 12/57-сонли контрактация шартномаси имзоланган. Унга кўра, фермер хўжалиги "Зарбдор элеватор" АЖга 171 тонна "элита" уруғлик буғдойини етказиб бериш мажбуриятини олган. Фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган миқдордаги "элита" навли уруғлик буғдойини "Зарбдор элеватор" АЖга сифатли ва тўлиқ миқдорда етказиб берган. Бироқ, "Зарбдор элеватор" АЖ томонидан фермер хўжалигига тўланиши лозим бўлган пул маблағи тўлаб берилмаган.

Шу сабабли, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан фермер хўжалигига "Зарбдор элеватор" АЖдан 2009 йил ҳосили учун топширилган уруғлик буғдойи учун тўланиши лозим бўлган 36.429.800 сўм ва асоссиз равишда ушлаб қолинган 15.000.000 сўм — жами 51.429.800 сўм пул маблағини ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризаси вилоят хўжалик суди томонидан кўрилди ва "Зарбдор элеватор" АЖ ҳисобидан "Умид-А" фермер хўжалиги фойдасига 37.191.937 сўм пул маблағини ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Фермерга пул маблағи ундириб берилди.

**Аширкул ЭШБЕКОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари,
Тўлқин ЯНГИБОЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири**

## Ҳуқуқий тарғибот:

**адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги**

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан юртимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти юзасидан Адлия вазирлиги масъул ходимлари ва Тошкент давлат юридик институти профессор ўқитувчиларидан ташкил топган тарғибот гуруҳи иштирокида кенг амалий ишлар олиб борилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани ҳокимлигида ўтказилган тадбир ҳам шулар жумласидандир.



Унда Адлия вазирлиги ва шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари, ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, халқ таълими, ўрта махсус таълим бошқармаси, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Унда ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг асослари хусусида тўхтаб ўтилди.

Йиғилишнинг энг муҳим жиҳати давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** маърузасида белгиланган йўналишлар борасида мутахассислар томонидан кенг тушунчалар берилди.

Худди шундай тадбирлар Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам шу каби тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

**Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

28 январь — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил топган кун

## Парвозинг муборак, мустақил юртим!



### Хабарингиз борми?

- **"А-320" самолётининг ёнилғи сарфи шу сиғимдаги "Ту-154" самолётиникига нисбатан икки ярим баробарга кам ("А-320"да 2,2-2,5 т/соат, "Ту-154" да эса бу кўрсаткич 5,5 т/ соат). Қолаверса, "А-320" ҳаво кемаси нисбатан енгил, 150 ўринга эга. Ушбу ҳаво лайнери фойдаланувчилар учун қулайлиги ва иқтисодий тежамкорлиги билан ҳам афзалдир.**
- **2010 йилда амалга оширилган парвозлар натижасида 2 миллион 160 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу 2009 йилга нисбатан йўловчилар сони 14,3 фоиз ошганлигидан далолат беради.**
- **2010 йилда 2009 йилга нисбатан ҳаво йўллари орқали юк ташиш ҳажми 63 фоизга ошди.**

2 ▶

Омма орасида

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Сирғали тумани ҳокимлигида Президентимизнинг ўтган йили ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган катта тадбир ўтказилди.**

## Юзма-юз мулоқотлар

### ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантиришнинг энг муҳим асослари

ТАДБИРДА Адлия вазирлиги масъул ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлиги, туман ФҲДЁ бўлими вакиллари ҳамда 500 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Юртбошимизнинг 2010 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **"Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир"** мавзуидаги маърузасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг конституциявий билимларини ошириш, улар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини чуқурроқ ўзлаштириш, ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлоднинг мустақил Ўзбекистон тарихини пухта ўрганиши ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш юзасидан белгилаб берган вазифалари борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Иштирокчилар ва мутахассислар томонидан Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар юзасидан батафсил маълумот берилди. Хусусан, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ва бу борада фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш жамоатчилик вазифасига айланиши лозимлиги ёшларга уқтирилди.

Тадбир давомида Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бешта лойиҳа юзасидан маълумотлар берилиб, ана шу лойиҳаларнинг бири бўлган "Ёш ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танлови юзасидан тайёрланган фильм ёшлар ҳукмига ҳавола этилди. Шунингдек, ёш йигит-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар орасидан "Ҳуқуқ билимдонлари" аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

***Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ишонч телефонлари***



| | |
|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 008, 223-34-00, 223-71-93 |
| 3 | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 008, 262-92-42, 269-14-45 |
| 4 | Андижон вилояти адлия бошқармаси (374) 008, 224-42-31, 224-45-94, 222-30-89, 224-57-81 |
| 5 | Бухоро вилояти адлия бошқармаси (365) 008, 223-74-16, 223-21-20 |
| 6 | Жиззах вилояти адлия бошқармаси (372) 008, 771-64-71 |
| 7 | Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси (375) 008, 223-01-64, 223-01-73 |
| 8 | Навоий вилояти адлия бошқармаси (436) 008, 223-80-47, 223-01-38 |
| 9 | Наманган вилояти адлия бошқармаси (369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33, 226-78-93 |
| 10 | Самарқанд вилояти адлия бошқармаси (366) 008, 233-04-62, 233-39-12, 233-22-59, 233-52-31 |
| 11 | Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси (376) 008, 223-26-84 |
| 12 | Сирдарё вилояти адлия бошқармаси (367) 008, 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50 |
| 13 | Тошкент вилояти адлия бошқармаси (371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96, 280-51-04, 253-82-61 |
| 14 | Фарғона вилояти адлия бошқармаси (373) 008, 224-15-49 |
| 15 | Хоразм вилояти адлия бошқармаси (362) 008, 226-86-47, 226-65-50 |
| | **E-mail: info@minjust.gov.uz** |

# Озод ва обод Ватан

## озод ва обод қалбда барпо этилади

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Мана сизга ҳаётий бир мисол. Хоразмнинг Шовот туманида Мамат ака деган бир фермер танишим бор. Яқинда у киши билан учрашиб қолдик.

— Мамат ака, нега бу йил гуруч арзон, икки йил олдин икки минг-икки ярим минг сўмдан олган гуручимизни бу йил бир минг икки юз-бир минг уч юз сўмдан оляпмиз? — У умр бўйи шоликорлик билан шуғулланиб келаётгани учун биринчи берган саволим шу бўлди.

— Биз Хоразм ва Қорақалпоғистон шоликорлари бутун Ўзбекистон аҳолисини гуруч билан таъминлашга ваъда берганмиз. Ўтган йили кўп фермерлар ваъдаларини икки-уч ҳисса ошириб бажардилар. Гуручнинг арзонлиги ва сероблиги боиси шундан.

Мамат ака билан Элликқалъа туманида учрашган эдик. У хайрлашаётган пайтимизда шундай деди:

— Агар улгуржи оладиган одамингиз бўлса, Тошкент бозорларида килоси бир ярим минг сўмдан сотилаётган гуручни 600-700 сўмдан бераман.

Мамат акага ўхшаган фермерлар деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида йўқ дейсизми?! Улар сон-саноқсиз. Биз қариялар бир пайтлар Украинадан картошка келишини кутиб яшаганмиз. Ҳозир бозорларимиз ўз картошкамизга тўлиб кетган. Агар Тошкентда картошканинг килоси 500-600 сўм бўлса, айтайлик, Қашқадарё ёки Сурхондарёда килоси 200-300 сўмдан ошмайди. Фақат ёз маҳсулотлари эмас, балки парник хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам дастурхонимизни безаб, бозорларимизга барака киритиб, ҳаётимизга тўкин-сочинлик бағишлаб турибди.

Президентимиз бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлмиш юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Кейинги уч-тўрт йилдан бери кўплаб иш ўринлари ташкил этилиб келинаётганидан хабаримиз бор. Албатта, бизнингча, бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги имкониятлар эшиги кенг очилиши табиий.

Яна бир фикр. Хорижга иш излаб кетаётганларнинг ҳаммасини ҳам ишсизлар деб бўлмайди. Баъзи бировлар яхши иш ўрни ва каттагина маошидан воз кечиб, четга кетишяпти. Улар моддий манфаатни ҳамма нарсадан, ҳатто Ватандан, миллат шаъни ва миллий қадриятлардан, ор-номус ва юрт соғинчидан ҳам устун қўйишяпти. Яқинда менинг бир шогирдим, тажрибали журналист яхшигина ишидан воз кечиб, чет элга иш излаб кетганини эшитиб, энсам қотди. Юрт тупроғи шундай сеҳр ва меҳр кучига эгаки, ундан ажралган (майли вақтинча бўлса ҳам) одам бойликка эришса-да, бахтга эриша олмайди.

Шак-шубҳасиз, банклар фаолиятидаги мураккаб жиҳатларни ҳаммамиз ҳам тушуниб етавермаймиз. Аммо Юртбошимиз маърузасида бу борада ҳаммамиз учун тушунарли бўлган эътиборли фикрлар айтилибдики, уларга муносабат билдирмаслик мумкин эмас. Гап тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти ҳақида бормоқда. Бу нафақат ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, балки мавжуд иш ўринларидан ташқари янги иш ўринларини ҳам яратиш имконини беради.

Шунингдек, биз транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларни қуриш ва жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда барча қулайликларга эга якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш борасида маърузада айтилган ибратли ишларнинг ҳаммасини ҳаётда кўриб, кузатиб, ҳавас қилиб турибмиз.

Очиқ тан олишимиз керак, Ўзбекистон тарихида ҳали ҳеч қачон транспорт бугунги кун даражасида ривожланган эмас. Айниқса, темир йўл ва автотранспорт жуда тараққий этиб кетди. Тез юрар поездларнинг юмшоқ вагонлари-ю, сон-саноқсиз енгил машиналар сизга ҳамиша мунтазир. Кутиш нималигини билмайсиз. Йўлларнинг созлиги-ю замонавийлигини айтмайсизми?.. Ўн кун олдин "Тошкент — Қўнғирот" поездида Қорақалпоғистонга бордим. Вагон кузатувчиси Медетбой йўловчилар атрофида парвона. Қайтишда автобусда қайтдим. Боришда замонавий темир йўл қурилишидаги бунёдкорлик ишларининг кўламига маҳлиё бўлган бўлсак, қайтишда Тўрткўл билан Бухоро ўртасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самараси оз вақт ичида Самарқанд — Тошкент йўлини эслатади, деб ишондик. Агар Президентнинг маърузасини диққат билан ўқиб чиқсангиз, темир йўллар ҳамда автомобиль йўллари қуриш бўйича 2011 йилдан 2015 йилгача муддатда бажариладиган ишлар кўламидан ҳайратга тушасиз. Ҳамма ишлар аниқ айтилган, маблағлар аниқ белгиланган, муддатлар аниқ кўрсатилган. Гап автомобиль йўллари қуришнинг аҳамияти ҳақида борар экан, маърузада шундай дейилади: **"Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим".**

Сўзсиз, маърузада "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"га алоҳида урғу берилган. **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди"** дейди Президент. Юртбошимиз бу борада эришилаётган натижаларни тараққий этган давлатлар тажрибаси билан қиёслаган ҳолда танқидий баҳолар экан, ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча муаммоларга эътибор қаратди. Агар улар билан танишсангиз ўрта синф вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний хатти-ҳаракатларини, яратилган муҳит ва имкониятларини ҳимоя қилишга қаратилган ўта долзарб масалалар эканини тушуниб етасиз. Жумладан, маърузада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш зарурлиги айтилади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, хусусан, эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш вазифаси топширилди. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари ҳамда давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб беришнинг жуда ҳам муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Бир қанча дахлдор идоралар уч ой муддатда кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган, маркетинг ўтказиш, сертификат ва рухсатномалар олишни таъминлайдиган механизмни яратиш учун барча зарур ишларни амалга оширишлари қатъий вазифа қилиб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўзига хос ва замон талабига мос инқилоб бўлади. Шундай, бунёдкор юртда ва яратувчи халқ орасида бекорчи бўлмаслиги керак. Тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, тўқчилик, беками-кўстлик, янгиликка ўчлик бунёдкор халққа ярашади. Юртбошимиз айтганлари каби, озод ва обод юртни халқнинг озод ва обод қалби барпо этади.

Яна бир бор таъкидлашимиз лозимки, тинчлик-барқарорлик ҳукм сурган юртдагина иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришлар юз беради. Фикрлаш қобилиятига эга инсондагина шукроналикка мойиллик бўлади. Шундай экан, бугунги кунимизга шукур қилайлик. Шукроналик — бахтиёрлик ифодаси. Ақл-идрок билан фикрласак, эртанги кунимизга ишонч ортади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

# Парвозинг муборак, мустақил юртим!




**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА мамлакатимизда бошқа кўплаб соҳаларда бўлгани каби "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Шубҳасиз, фуқаро авиациясининг барқарор ва изчил ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.**

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда ҳаво кемаларини модернизация қилиш бўйича Давлат дастури амалга оширилмоқда, эскирган авиатехника ўрнига замонавий авиалайнерлар сотиб олинмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан "Ил-62", "Ил-86", "Ту-154", "Як-40" самолётлари замонавий, қулай, тежамкор лайнерларга алмаштирилмоқди.

Масалан, мустақиллик байрамининг 19 йиллиги арафасида мусаффо осмонимиз бўйлаб "А-320" ҳаво кемаси илк маротаба ўз парвозини амалга оширди.



Ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида ўрта масофага қатновчи "А-320" ҳаво кемалари танланди. Ушбу ҳаво кемалари 5000 километргача бўлган йўналишлардаги қатновни амалга ошириш учун мўлжалланган. Шу ўринда ўқувчида "хўш, бу ҳаво кемаларининг аввалгиларидан қандай афзалликлари бор" деган савол туғилиши табиий. Янги ҳаво кемалари ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканмиз, юқоридаги саволга жавоб топдик.

"А-320" самолётининг ёнилғи сарфи шу сиғимдаги "Ту-154" самолётиникига нисбатан икки ярим баробарга кам ("А-320"да 2,2-2,5 т/соат, "Ту-154" да эса бу кўрсаткич 5,5 т/соат). Қолаверса, "А-320" ҳаво кемаси нисбатан енгил, 150 ўринга эга. Ушбу ҳаво лайнери фойдаланувчилар учун қулайлиги ва иқтисодий тежамкорлиги билан ҳам афзалдир.

Яна бир маҳаллий ва ўрта масофага қатновчи, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган "Ил-114-100" самолётлари ҳам эксплуатация қилинмоқда. Ушбу лайнерлар фойдаланувчилар учун ҳам қулай, ҳам иқтисодий тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Тармоқнинг ривожланиб бориш дастури муваффақиятли давом этмоқда. Йилдан-йилга ташув ҳажми кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган 2010 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига қарашли ҳаво лайнерлари 23 523 маротаба ҳавога парвоз қилиб, қатновларни бажарди. Бу 2009 йилга нисбатан олиб қараганда, 564 маротаба кам қатнов амалга оширилганини кўрсатади. Албатта, бу кўрсаткичлар кимдадир "нега парвозлар сони камайиб кетди", деган савол уйғотиши мумкин. Бу саволнинг жавоби эса, айнан янги харид қилинган самолётларнинг тежамкорлиги ва ўз бағрига кўпроқ йўловчиларни олишида намоён бўлади. Масалан, 2010 йилда амалга оширилган парвозлар натижасида 2 миллион 160 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу 2009 йилга нисбатан йўловчилар сони 14,3 фоиз ошганлигидан далолат беради. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир ҳаво қатновида йўловчилар сони ўртача 78 нафардан 92 нафаргача ортганлигини кўрсатади.

Шунингдек, ўтган йили "Навоий" халқаро аэропортида янги юк терминалининг эксплуатацияга топширилиши ҳам "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг улкан ютуқларидан бири бўлди, дейишимиз мумкин. Чунки 2010 йилда 2009 йилга нисбатан ҳаво йўллари орқали юк ташиш ҳажми 63 фоизга ошди.

### "ҲАМ ВАҚТДАН ЮТАСИЗ, ҲАМ ҚУЛАЙЛИК..."

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси мутахассисларидан ўзимизга керакли маълумотларни олиб қайтар эканмиз, аэропорт биносида Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмоновни учратиб қолдик. У ҳозиргина Нукусдан учиб келган экан. Йўл-йўлакай ёзувчи дўстимиздан "Нукус-Тошкент" йўналишидаги авиахизмат ҳақида суриштирдик.

— 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб, "Нукус-Тошкент", "Тошкент-Нукус" йўналишида "Боинг" самолётлари қатнови йўлга қўйилди. Ҳозиргина ана шу самолётдан тушдим. Ана қулайлиг-у мана қулайлик. Самолётда худди ўз уйингизда ўтиргандек ўтирасиз. Бунинг устига ана шу йўналишдаги "Ту-154" ҳаво кемаси 2 соатдан ошиқроқ парвоз қилса, "Боинг" деганлари 1 соатда манзилингизга етказар экан. Бу ҳам қулайликдан фойдаланасиз, ҳам вақтдан ютасиз дегани...

### ЭЪТИРОФ ЎРНИДА

Мақолани тайёрлаш жараёнида интернет ёрдамида турли мамлакатлар авиахизматлари фаолияти билан ҳам танишдик. Шунга иқрор бўлдикки, бугунги кунда манаман деган давлатларда ҳам ушбу тизимда қатор камчиликлар ва муаммолар мавжуд. Қай бир юртда авиахизматлар нархи ошиб кетгани боис тизим инқирозга юз тутган бўлса, бошқа бир давлатда парвоз давомида йўловчилар хавфсизлиги таъминланмагани учун фуқаролар дилида хавотир-у ҳадик ҳам йўқ эмас...

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, Она Ўзбекистонимизни бекорга Оллоҳнинг назари тушган юрт, деб аталмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Яна шуни ишонч билан гапиришимиз лозимки, мамлакатимиз ҳаво йўллари тизимида барча ишлар мукаммал ва аъло даражада йўлга қўйилган...

Энг муҳими ҳам шу эмасми?

**Ислом ҲАМРО**

Бурч ва масъулият

# Қанча солиқ тўлашингизни биласизми?..

## Бу тўловлар жамият фаровонлиги учун хизмат қилади

**СОЛИҚ сиёсати билан боғлиқ қонунларимиз асосида мамлакатимизда бир қатор солиқ ислоҳотлари ўтказилди. Бу пировардида, Президентимизнинг 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида таъкидланганидек, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробар ўсишига олиб келди.**

АЙНИҚСА, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланганлигига яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида: ***"Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар"***, деб белгиланган. Солиқ тўлаш бизнинг фуқаровий бурчимиз ҳисобланади. Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш борасидаги фуқаровий мажбурият жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Солиқ кодексининг 12-моддасида эса "солиқ" тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "*Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади*".

Табиийки, савол туғилади: "Солиқларни нима учун тўлаймиз?"

Молия вазирлигининг маълумотларига қараганда, давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини солиқлар ва мажбурий тўловлар ташкил этади. Бизнинг наздимизда солиқларнинг қайта эквивалентлиги яққол кўринмайди, лекин давлат бюджетидан маориф, маданият, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, марказлаштирилган инвестициялар, давлат бошқаруви ҳамда судлар, прокуратура органлари ва адлия муассасаларини сақлашга ва бошқа барча харажатлар давлат бюджети даромадлари эвазига амалга оширилади.

2006-2010 йиллар мобайнида ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетидан ажратилган пул маблағлари 51 фоиздан 59,1 фоизга ўсгани юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли Қарорига асосан 2011 йилга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйидаги янги ставкалари белгиланди:

| Солиқ солинадиган даромад | Солиқ ставкаси |
|---|---|
| Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда | Даромад суммасининг 10 фоизи (ўтган йили 11%ни ташкил этган) |
| Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда | Олти баравар миқдордан солиқ+энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 16 фоиз (ўтган йили 17%ни ташкил этган) |
| Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда | Ўн баравар миқдордан солиқ+энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз (ўтган йилга нисбатан ўзгармаган) |

Солиқ ставкаларини пасайтириб бориш солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг пасайтириб борилиши жисмоний шахслар даромадини ошириш мақсадида амалга оширилмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

**1998 йилдан 2011 йилгача солиқ ставкаларининг пасайиш тенденцияси**




Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Келинг, энди буларни аниқ бир мисолда кўрайлик. Масалан, А жисмоний шахсга январь ойи учун 500 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди. 2011 йилнинг январь ойида энг кам иш ҳақи 49 735 сўмни ташкил этади.

***1.*** Энг кам иш ҳақи беш бараварининг 10 фоизини ҳисоблаймиз. 49735x5=248675 сўм

<u>248675x10%=</u>**24867,5 сўм**<u>-солиқ суммаси</u>

***2.*** Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорни ҳисоблаш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан 248675 сўм (энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдори)ни чегириб унинг 16 фоизини ҳисоблаймиз.

49735x10=497350 сўм.

497350-248675=248675 сўм

<u>248675x16%=</u>**39788 сўм**<u>-солиқ суммаси</u>

***3.*** Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (497350)дан то 500 000 сўмгача бўлган суммани ҳисоблаб, унинг 22 фоизини ҳисоблаймиз.

500000-497350=2650 сўм

<u>2650x22%=</u>**583 сўм**<u>-солиқ суммаси</u>

***4.*** Энди жами солиқ суммаси йиғиндисини ҳисоблаб, уни ҳисобланган иш ҳақи миқдори (500 000 сўм)дан чегирамиз.

<u>**24867,5 +39788+583=65238,5 сўм-жами солиқ суммаси**</u>

<u>500000-65238,5=</u>**434761.5 сўм**<u>-солиқ ундирилгандан кейинги сумма</u>

Бундан ташқари, ҳисобланган иш ҳақидан Касаба уюшмасига 1%, 2011 йилдан бошлаб эса фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалини (Пенсия фондига) 4,5% (2010 йилда 4% эди) ҳамда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 1% каби тўловлар мавжуд.

***5.*** Касаба уюшмасига ажратма

<u>500000x1%=</u>**5000 сўм**

***6.*** Пенсия фондига ажратма

<u>500000 x4,5%=</u>**22500 сўм**

***7.*** Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ажратма базаси ҳисобланган иш ҳақи (500000 сўм) бўлиб, натижа жами солиқ суммаси (65238,5 сўм)дан камайтирилади.

<u>500000x1%=</u>**5000 сўм**

65238,5-5000=**60238,5 сўм-давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси**

***8.*** Демак, ҳисобланган иш ҳақидан барча тўловларни чегирамиз.

<u>500000-65238,5-5000-22500=</u>**407261,5 сўм-тўланадиган иш ҳақи миқдори**

Бундан ташқари, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим олишлари учун тўланадиган маблағлар, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни солиқ солинадиган жами даромаддан чегириш кўринишида қўшимча имтиёзлар жорий этилган.

Юқорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш ва давлат бюджетига тўлаш тартибини имкон қадар соддароқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бизнингча, хоҳ иқтисодчи бўлайлик, хоҳ ҳуқуқшунос ёки бошқа соҳа вакиллари, ўзимизнинг иш ҳақимиздан қанча солиқ тўлашимизни билиш фуқаровий ҳуқуқимиздир.

Қуйида Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли Қарори билан 2011 йил учун тасдиқланган айрим солиқларнинг ставкаларини келтирамиз:

| № | Солиқ ва маҳаллий йиғим турлари | Ставкаси |
|---|---|---|
| 1. | Қўшилган қиймат солиғи | 20% |
| 2. | Юридик шахслар фойда солиғи | 9% |
| 3. | Тижорат банклари учун фойда солиғи | 15% |
| 4. | Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно) | 6% |
| 5. | Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси мавжуд юридик ва жисмоний шахсларни жалб қилган ҳолда оммавий томошабоп тадбирларни ташкиллаштиришдан даромад олувчи кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови | 30% |
| 6. | Лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар учун ягона солиқ тўлови | 33% |
| 7. | Юридик шахслар мол-мулк солиғи | 3,5% |
| 8. | Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи (умумий майдони 200 кв.м дан ошмайдиган шаҳарлардаги объектлар учун) | 0,75% |
| 9. | Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи | 6% |
| 10. | Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига: | |
| | Бензин ва дизель ёнилғиси ишлатганлик учун ҳар бир литрига | 175 сўм |
| | Суюлтирилган газ ишлатганлик учун ҳар бир литрига | 140 сўм |
| | Сиқилган газ ишлатганлик учун ҳар бир куб. метрига | 175 сўм |
| 11. | Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилганлик учун йиғим | Бир ойга 5 баробар энг кам иш ҳақи миқдорида |
| 12. | Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан чакана савдо қилганлик учун йиғим | Бир ойга 3,5 баробар энг кам иш ҳақи миқдорида |

Солиқларни давлатнинг қон томирларига ўхшатиш мумкин. Одамзотнинг яшаши учун қон томирлари нақадар муҳим бўлса, солиқ йиғимларининг ҳам давлат учун аҳамияти шунчалик муҳимдир.

**Азизхон НОДИРОВ,
Шохбол ЭГАМБЕРДИЕВ,
Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати ходимлари**

Эътибор

# Тушунмовчилик тушов бўлгач...

## ёки уй-жой олди-сотди ҳолатларида пайдо бўлаётган низолар сабаби хусусида

БУГУНГИ КУНДА тураржой биноларини олди-сотди шартномаси орқали қонуний тартибда расмийлаштириш юзасидан кўплаб фуқаролар мурожаат қилишмоқда. Маълумки, уй ёки бирор иншоотни қонуний ҳужжатлаштириш учун коммунал хизмат тўловларидан қарздорлик борйўқлиги ҳақида тегишли маълумотлар сўралади. Лекин амалиётда фуқаролар истеъмолчининг тўлов маданияти ҳақидаги тасаввурдан анча йироқ эканлиги маълум бўлмоқда. Айрим ҳолларда эса мулк эгаси қонуний ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқларини англамасликлари бир қатор тушунмовчиликларни юзага келтираяпти. Биз уларга ўз ҳуқуқини билиш билан бирга, бурчини ҳам унутмаслиги лозимлигини, Вазирлар Маҳкамасининг 511-сонли қарорида уй-жойлар ҳамда тураржой биноларининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш вақтида коммунал тўловлардан қарзлари тўлиқ тўланган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилганлигини атрофлича тушунтираяпмиз.

Фуқаролар нотариал идораларга мурожаат қилиб келганларида пайдо бўлаётган бундай тушунмовчиликлар ва муаммоларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва кенг тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам махсус



режа ишлаб чиқилган. Ана шу режага мувофиқ шу йилнинг январь ойи давомида адлия бошқармаси ходимлари билан биргаликда Наманган шаҳрининг “Маърифат”, “Испархон”, “Марғилон” МФЙларида бўлиб, аҳоли билан учрашув, жонли мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказдик.

Эътиборлиси, бу тадбирлар пировардида, аҳоли қатламининг, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билими, саводхонлиги ортиб бораётган бўлса, иккинчидан, бизнинг ҳам ўз фаолиятимизда орттирган тажрибаларимиз келгусида иш фаолиятимизга синчков бўлишимизни талаб қилади.

**Анваржон МУҲИДДИНОВ,**
**Наманган шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси**


**Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. **“Ижтимоий гуманитар фанлар”** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
2. **“Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар”** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
3. **“Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи”** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
4. **“Хорижий тиллар”** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1 (инглиз тили бўйича);
5. **“Конституциявий ҳуқуқ”** кафедраси бўйича
Профессор — 1;
Катта ўқитувчи — 1;
6. **“Ўзбек тили”** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
7. **“Фукаролик процессуал ҳуқуқи”** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
8. **“Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
9. **“Рус тили”** кафедраси бўйича
Профессор — 1;
10. **“Халқаро хусусий ҳуқуқ”** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.**
**Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.**


Қабоҳат

# Тунги “меҳмон”лар

- **Қотиллик содир этилган кун марҳумага тегишли телефон ўғирлаб кетилганди.**
- **Икки нафар қочоқ қотилликка қўл урди.**
- **Муяссар уй эшигини очганда соат тунги 22.00 эди.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР Ички ишлар Бош бошқармасига Мирзо Улуғбек туманидаги хонадонлардан бирида қотиллик жинояти содир этилганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Тезкор тадбир амалга оширилиб, воқеа жойи кўздан кечирила бошланди.

Тезкор қидирув гуруҳи ходимлари марҳуманинг шахсини ўрганишга киришдилар... Шу мақсадда, унинг уяли телефонидаги барча чиқиш-кириш қўнғироқлари ва телефон кимнинг номида эканлигини аниқлашга қарор қилдилар. Аммо қотиллик содир этилган куни марҳумага тегишли телефон ўғирлаб кетилганди.

Маълум бўлишича, телефон рақами андижонлик Муяссар Валихонова (Исм-фамилиялар ўзгартирилди) номида бўлиб, қотиллик қурбонига айланган бу шахс жиноят содир этилган хонадонда ижарада яшаган. Унинг телефонидаги кириш-чиқиш қўнғироқлари рўйхатидагилар Муяссар исмли аёлни танимасликларини маълум қилишди.

* * *

1 — Қизим 2006 йилда қариндошимизнинг ўғлига турмушга чиққан эди. 2 ой ўтиб, қайтиб келди. “Тақдиримда бор экан. Бахтсиз бўлдим, энди ўз ҳаётим билан яшайман”, деди-ю, ўша йили дугоналари билан Тошкентга кетди. Сартарошхонада ишлаб юрди, — дейди кўзига ёш олиб марҳуманинг онаси.
— 2008 йилда эса қизим бир йигитни бошлаб келди. Уни Тоҳир Валихонов деб таништирди. Қизим унга турмушга чиққанини, қонуний никоҳдан ўтганини айтгач, отаси иккаламиз қаршилик кўрсатмадик. Қизим бахтли эди. Улар икки ойча шу ерда, Андижонда бирга яшашди. Кейин Тошкентга қайтиб кетишди.

Марҳума ҳақидаги маълумотларга ойдинлик киритиш мақсадида Андижонга келган терговчини онанинг гаплари янада ҳайрон қолдирди.

— Қизингиз Тоҳир билан ҳам ажрашганмиди? Сабаби гувоҳлар уни Тошкентдаги ижара уйида ёлғиз яшаганлиги ҳақида кўрсатув беришди...

— Биласизми, — деди хижолат тортиб Ҳакима опа, — Тоҳир қизимизга уйидагилардан яширинча уйланган экан. Улар бу ерда бир муддат яшаб кетганларидан сўнг бизникига куёвнинг акаси Камол келиб, укасини уйлантирмоқчи эканликларини, қизимиз укасини тинч қўйишини сўради. Ахийри рози бўлдик. Куёвимиз бошқага уйланди. Лекин фарзандининг ҳолидан хабар олиб турди.

* * *

— Тоҳир Валихоновнинг уйи шуми? — сўради терговчи дарвозани очган жувондан.

Оғиргина қадам босишидан ҳомиладорлиги сезилиб турган жувон нотаниш эркак билан сўрашиб, ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай ичкаридан ёшроқ йигит чиқиб келди. Улар саломлашдилар. Тоҳир терговчини ўз хонасига бошлади. Ҳомиладор аёл Тоҳирнинг хотини экан, у тезда дастурхон тузади, чой дамлаб келди ва меҳмон билан эрини холи қолдирди.

— Муяссар Валихоновани танийсизми? — савол берди терговчи йигитга.

— Тинчликми, менинг устимдан сизларга арз қилдими?

— Танийсизми-йўқми?

— Танийман. Мен унга ҳаммасини тушунтирдим-ку, боласига, ўзига қарашиб турган бўлсам, яна нима хоҳлайди мендан, — деди Тоҳир қизишиб.

— У сизнинг қонуний хотинингиз экан-ку?!

— Тўғри, у билан танишганимда, менга ўзини хоразмликман, институтда ўқийман, деганди. Уйланганимдан кейин... унинг илгари турмушга чиққанини билдим. Шунга қарамай, уни ташлаб кетмадим. Ҳомиладорман дегач, қонуний никоҳдан ўтдик, — деди. Очиғи, уйимдагилардан яширинча унга уйлангандим. Қўлимдан келганча ёрдам бериб турибман-ку.

— Нима деб ўйлайсиз, Муяссар нима учун сизнинг устингиздан шикоят қилиши мумкин?

— Уй олиб берасан, дейди-да. Ҳозир имкониятим йўқ, ака. Кўриб турибсиз, эрта-индин хотинимнинг кўзи ёрийди.

— Уй олиб беришдан қутулиш мақсадида уни ўлдирдингизми?

Тоҳирнинг ранги оқариб кетди.

Қотиллик содир бўлган куни марҳуманинг ўлимидан ярим соат олдин унинг қўл телефонига “вип” телефон рақамлари орқали қўнғироқлар бўлган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи “вип” телефон эгалари билан суриштирув ишлари олиб борилди. Бу шахслар берган кўрсатувлар асосида қотилнинг фотосурати тузилди.



Тунги “меҳмон”лар

2 Бу орада барча ИИБ идораларига манзил колониясидан 2 нафар маҳкум қочиб кетганлиги ҳақидаги хабар келиб тушди. Қидирувдаги икки маҳкумнинг сурати республика бўйича тарқатилди.

— Ҳа, манави йигит менинг телефонимдан фойдаланган эди, — деди “вип” телефон рақами билан аҳолига хизмат кўрсатувчи йигитлардан бири суратдаги шахслардан бирини таниб: бу — Акмал Нортоев эди.

* * *

Қизингиз Акмал исмли йигит ҳақида сизларга гапирганми? Андижонда бўлган пайтда ўша йигит унга кўп марта қўнғироқ қилган экан. Марҳума Муяссар Валихsecurityованинг отаси ҳам, онаси ҳам бундан бехабарликларини маълум қилишди.

— Синглимнинг қўл телефонига чиндан ҳам ўша куни Акмал исмли бола бир неча марта қўнғироқ қилганди. Муяссар эса “кейин гаплашамиз” дейишига қарамай, у тинмай қўнғироқ қилаверди, — деди марҳуманинг опаси Чарос.

Иш юзасидан тўпланган маълумотлар қотилликни манзил колониясидан қочган ўша икки маҳкум содир этган, деган тахминга олиб келди. Қидирув натижасида Акмал Нортоев ўз уйида қўлга олинди. Унинг берган маълумотига кўра, шериги Собир Жабборов ҳам қўлга тушди. Бироқ уларнинг ҳар иккиси ҳам Муяссар Валихоновани ўлдирганликларини тан олмадилар.

Олиб борилган тергов-суриштирув ишлари воқеликка ойдинлик киритди.

* * *

Икки қочоқ маҳкум — Акмал ва Собир оч бўридек ўзини қўярга жой тополмасди. Сабаби уларга катта миқдорда пул керак эди-да.

— Қаерга борамиз? — сўради Акмал.

— Олмалиққа, у ерда бўш уйлар кўп, бирортасида яшаб турамиз, — жавоб қилди Собир.

— Аммо қорин қайғуси ҳам бор-да...

Бир неча марта судланиб, “суяги жиноят оламида қотган” Собир тирикчилик йўлини ўргатди. Эртаси куни улар кўп қаватли уйлардан бирининг олдидан ўтаётиб, “Уй сотилади” деган эълонни кўриб қолишди. Қарама-қарши уй деразасидан эса бир аёл қараб турарди.

— Мана шу аёлникига тушамиз, — деди Собир.

Улар аёлдан сув сўрашди. Аёл инсонийлик бурчини бажариб, эшигини очиқ қолдирган ҳолда сув келтиргани ичкарига кириб кетди. Босқинчилар бундан

3 фойдаланиб, ичкарига киришди ва аёлни уриб, бўға бошлашди.

— Илтимос, — бақирди Нодира, — нима керак бўлса, ҳаммасини бераман, фақат мени ўлдирманглар, икки нафар вояга етмаган болам бор.

Босқинчилар аёлни қаттиқроқ бўғишди. Нодира бақириб қўшниларини ёрдамга чақира бошлади. Шу пайт ичкарига қўшниси Надежда Антонова кириб келди. Босқинчилар ўз ишларини охирига етказа олишмади. Аммо аёлнинг қулоғидаги зираклари ва телефон аппаратини ўғирлашга улгуришди. Бироқ ўғирланган арзимас буюмларнинг пулига узоқ яшаб бўлмаслигини босқинчилар яхши билишарди.

— Энди сенинг навбатинг, бирортасини топ, ўшани тинчитамиз, — деди асабий ҳолатда Собир жиноий шеригига.

Акмал негадир эски таниши Муяссарни эслади.

Улар кўчада “вип” телефон рақами билан аҳолига хизмат кўрсатиб юрувчилардан Муяссарга қўнғироқ қилишди. Муяссар бир неча маротаба алоқани узиб қўйди. Бироқ такрор ва такрор қўнғироқ қилаверишгач, Муяссар уларга жавоб беришга мажбур бўлди.

— Кейинроқ гаплашсак бўладими? Ўзим сизга қўнғироқ қиламан.

Алоқа узилди. Ушбу қўнғироқдан сўнг Муяссарнинг хаёли бўлинди. Зудлик билан Тошкентга қайтадиган бўлди.

— Муяссар қаердасиз? сўради яна ўша таниш овоз қўнғироқ қилиб.

— Уйдаман, Акмал келаверинг.

Орадан ярим соат ўтиб, эшик қўнғироғи чалинди. Муяссар эшикни очди. Соат тунги 22 лар атрофи эди.

— Дам олгани келдик, қабул қиласизми?

— Киринглар, — ичкарига бошлади аёл.

Босқинчилар вақтни бой беришни истамай, дарҳол ҳужумга ўтдилар.

— Овозингни ўчир, — деди Акмал Муяссарни ётоқхонага етаклаб.

Аёлнинг ялиниб-ёлворишлари бесамар эди. Қорин қисмига бир неча марта суқилган пичоқ зарбидан қонга беланган аёл жон таслим қилди. Ваҳшийлар уйда қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқлигини кўриб, марҳуманинг телефонини олиш билан кифояланишди...

Эртасига уй эгаси Элиза квартирага кириб, ётоқхонада қонга беланиб ётган Муяссарнинг жасадини кўриб, додлаб юборди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳар икки жиноятчини тегишли тартибда жавобгарликка тортиб, 23 ёшли Собир Жабборовни 23 йилга, 27 ёшли Акмал Нортоевни 24 йилга озодликдан маҳрум этди.

**Хуршида РАҲМОНОВА,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори,**
**Нилуфар ЖУМАЕВА,**
**журналист**

Таажжуб

# Кўза синдирган азиз... ми?

— ПИЧОҚ бориб суякка қадалди, тоға. Қудангизда виждон йўқ экан. Хабарингиз бор. Хорижга ишга кетаётганимда ҳовлимни вақтинча яшаб туриш учун унга қолдиргандим. Орадан беш йил



ўтди. Шунча йил давомида на газга, на электр энергиясига, на сувга пул тўламабди. Бунинг устига минг бир азоб билан қурган гулдек ҳовлимни вайронага айлантирибди. Ҳаммадан ҳам унинг безбетлиги жон-жонимдан ўтиб кетди. “Мен қайтдим. Ҳовлимни бўшатиб беринг, кўчиб келаман” десам, нима дейди денг?

— Ҳали участкам битгани йўқ, бунинг устига қиш фаслида қаерга бораман?! Сиз ижарага уй топиб яшаб туринг, баҳор ёки ёзларда ҳовлингизни бўшатиб бераман, — дейди ноинсоф.

Нима, сув келтирган хорзору, кўза синдирган азизми? Тоға, унга уй зарур бўлганда “элчи” бўлгандингиз, энди ўртага тушиб, уйимдан қудангизни чиқаринг. Бўлмаса керакли жойга бориб, мажбуран чиқартираман...

Бироқ, тоғанинг ҳам, уй эгасининг ҳам саъй-ҳаракатлари зое кетди. Улар ижарачини ҳовлидан чиқара олишмади. Чунки ижарага қўйиш пайтида нотариал идора орқали мулк ижарасининг муддатини белгилаш юзасидан уй соҳиби ҳамда ижарачи ўртасида шартнома тузилмагани учун қонун бўйича бу ҳолатда шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланиб, ижарачи қонунда кўзда тутилган тартибда уйни бўшатиб беришга мажбур. Уй соҳиби хоҳлаган пайтда ҳовлига кўчиб кириши учун қонунда кўрсатилган тартибда ижарачини уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши керак...

Ижара шартномасини нотариал тартибда нотариус орқали қонуний тасдиқлатиш лозим. Бунинг учун кўчмас мулк эгасида мулк ўзига тегишли эканлигини белгиловчи ҳужжат бўлиши шарт. Шунингдек, ижарага берувчи вояга етган оила аъзолари, умуман, ўша ҳовлида яшаётган барча шахслар ҳақида яшаш жойидан маълумотнома бўлган тақдирда мулкни ижарага бериш шартномаси тузилади.

Ҳаётда ҳамма нарсани белгилайдиган қонун-қоида, тартиб-интизом бор. Бирор ишни бошлашдан олдин унинг рисоладаги тартибини ўрганиб чиқиш машаққатли иш эмас. Фақат бунга сабр-тоқат, ирода ва ҳафсала керак. Шундагина инсон тинч, беташвиш яшайди.

**Абдуназар ЖЎРАЕВ,**
**Булунғур тумани давлат нотариал идорасининг нотариуси**


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни**
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Жиззах вилоятида**
Жиззах шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилоятида**
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилоятида**
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Андижон вилоятида**
Асака туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни**
**ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикасида**
Нукус шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахиатош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Андижон вилоятида**
Андижон шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилоятида**
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилоятида**
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 24 февраль)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Газетанинг 2010 йил 14 декабрь 52-53-сонидаги "Учтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар" жумласи инобатга олинмасин.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги биносига 2011 йил мобайнида техник хизмат кўрсатиш ва муҳандислик коммуникацияларини фойдаланишга топшириш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома асосида

**ИШГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ**

**Мурожаат учун телефон: (8-371) 236-74-41, (ички-255)**

Даҳолар даргоҳи

Жалолиддин РУМИЙ

# Олисдаги хазина

**БАҒДОДЛИК бир одамга отасидан катта мерос қолди. Аммо у қисқа вақтда бойлигини елга совурди — йўқсилга айланди. Зеро, у бойликни заҳмат-машаққатсиз қўлга киритган эди.**

ТАНГ АҲВОЛДА қолгач, қўл очиб, Аллоҳ таологa ёлвора бошлади. Бир неча кун дуо-илтижо қилди. Ниҳоят, бир оқшом тушида: "Мисрга боришинг керак, у ерда катта бир хазинага эга бўласан", дейилди. Одам уйғонгач, вақтни ўтказмай, Миср йўлига тушди. Узоқ сафар уни қийнаб қўйди. Оч, ташна, чарчаган эди. Бир неча кун Миср кўчаларида тентираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Ниҳоят, тиланчилик қилишга мажбур бўлди. Уялганидан кечаси тиланарди. Ўша кунлар Қоҳирада ўғрилар кўпайиб қолишган эди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри деб ўйлаб, роса калтаклади. Шунда уқувсиз тиланчи, бечора йўқсил:

— Илтимос, урма. Мен ўғри эмасман. Сенга ҳақиқатни айтаман! — деб фарёд солди.

— Қани айт-чи, ярим кечада нимани қидиряпсан? — деди миршаб. — Балки бегонадирсан. Аммо ёлғон гапира кўрма, менга тўғрисини айт!

Одам қасам ичиб, бошидан ўтган воқеаларни айта бошлади:

— Мен на ўғри, на чўнтаккесарман, бир ғариб бағдодликман, — дея кўрган тушини ва хазина қидираётганини айтди.

Миршаб унинг гапларига ишонди ва:

— Ҳой, сен қандай ақлсиз одамсан, бир тушга ишониб, хаёлга берилиб, шу ерларга келдингми? Мен неча йилдир, Бағдодда фалон маҳалланинг фалон кўчасидаги уйнинг фалон жойида бир хазина яширинганини тушимда кўраман. Шунга ишониб бўларканми? Қани, тезроқ бу ердан туёғингни шиқиллат-чи. Йўқса, қўлимдан қутулолмайсан, — деб бақирди.

Бу гапларни эшитган одамнинг севинчи ичига сиғмасди. Чунки миршаб айтган жой Бағдоддаги унинг уйи эди. Шоша-пиша Бағдодга йўл олди.

(Маснавийи маънавий", VI жилд, 4206-байт)

***Бўлди сархуш бу хабардин, кетди дард,***
***Тангрига тилсиз, дудоқсиз айтди ҳамд.***

***Деди: шу калтак менга нуқлу навот,***
***Чун дўконим ичрадир оби ҳаёт.***

***Бир буюк ризққа етишдим, бўйлаким,***
***Кўрлигимдин ваҳм аро муфлис эдим.***

## ШАРҲ

Шарҳимиз бошланишида ўзбек халқ мақолларидан намуналар келтиришни маъқул кўрдик:

* * *

***Ҳар ерни қилма орзу,***
***Ҳар ерда бор тош-тарозу.***

* * *

***Қайга борсанг ҳам,***
***қозоннинг қулоғи тўртта.***

* * *

***Бормаган жойингда олтин бор,***
***Кўрмаган жойингда — кумуш.***

* * *

***Фалон ерда олтин бор,***
***Борсанг, мис ҳам топилмас.***

* * *

Бу мақоллар орқали доно халқимиз: яшаб, ишлаб, ризқингга сабаб бўлиб турган, оз бўлса-да ризқинг келиб турган жойда шарт-шароитларни ёқтирмай, қўнимсизлик, қаноатсизлик қилиб, иссиқ ўрнингни ташлаб, бошқа ерни қидирадиган бўлсанг, ҳамиша ҳам қадр топавермайсан. Чунки ҳар жойнинг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари, қийинчиликлари бўлади. Ўз жойингни тарк этмай сабр қилсанг бир барака эшиги очилади, деган маънода ўгит беради.

Инсон табиати қизиқ. Баъзан у хом хаёллар ортидан қувлаб, ўзини чарчатади. Баъзилар қўлидаги имконият, уйи ичидаги хазинадан хабарсиз, диёрма-диёр кезишади, аниқроғи, сарсону саргардон юришади.

Мавлоно Румий хазина излаб ҳолдан тойган одамни бундай гапиртиради: "Хазина излаб, силлам қуриди-ю, хазина ўз ўйимда эканидан хабарим йўқ. Чунки зулматда, ғафлат пардаси ортида қолибман".

***Деди шўрлик: ганж эрур хонамда чун,***
***Мен фақирмен йўқсилу зормен нечун?***
***Бўйла бир йўқсил гадо ганж узрамен,***
***Чунки зулмат ичра, ғафлат ичрамен.***

Ҳикояда англатилгани каби, баъзан жуда яқиндаги неъмат ва имкониятларга қанча кўп заҳмат ва қийинчиликлардан сўнггина эришилади.



Бу ҳикояни яна қуйидагича тушуниш ҳам мумкин: Аслида хазина бир мажоз, тимсолдир. Яъни, бу ўринда чинакам ишқ хазина ўзимиздадир. Ҳар биримиз маънавий комилликка, кўнглимиздаги ноёб хазинага етишмоқни мақсад қилишимиз керак.

Шу маънода Ҳазрат Алишер Навоий:
***Ўз вужудингга тафаккур айлагил,***
***Ҳар не истарсан, ўзингдин истагил,***
деб ёзганлар.

**Абдуллоҳ МУРОД тайёрлади.**
**("Ҳидоят" журналининг 2010 йил 9-сонидан олинди).**




Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 10 январь кунги №5-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Ходжаев Фарход Нажимхановичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 17 июнда берилган TN 000965 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 10 январь кунги №8-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Рахимова Мамирханга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 июлда берилган TN 001154 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 12 январь кунги №13-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Лутфуллаева Муқаддас Рахматуллаевнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган TN 000698 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 12 январь кунги №12-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HIMOYA-NUR" адвокатлик фирмаси адвокати Давлатов Умидбек Саъдуллаевичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 19 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 12 январь кунги №11-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL ODIL HUQUQIY HIZMAT" адвокатлар ҳайъати адвокати Мураткулов Джасуржон Хатамовичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 27 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладигаи бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Тақдир тўфонлари

**ОЙБЕК илк бор Шоҳистани университет биноси ёнида, талабалик сафига қабул қилинганидан қувончи ичига сиғмай турган лаҳзада учратганди. Ўшанда у омади юришмай, ўқишга киролмагани боис кўнглига қил ҳам сиғмай юрганди.**

КАТТА орзулар оғушида Намангандан азим пойтахтга ўқишга келган бу қиз билан танишуви унинг қоронғу кўнглини гўё офтоб мисол ёритгандай бўлди. Улар тезда иноқлашиб кетишди. Аввалига дўстлик деб ўйлаган туйғу, бора-бора муҳаббатга айланди. Улар ҳар куни, ҳар лаҳзада кўришишни, дийдорлашишни исташарди. Лекин бахтга қарши Ойбекнинг бу шаҳарда на ўқиши, на қиладиган иши бор, фақат Шоҳистага бўлган севгисигина уни бегона шаҳарда ушлаб турарди. Ортга қайтишдан ўзга чораси йўқ йигит, севган қизига келаси йил, албатта, ўқишга кириши, уни севиши ва унга уйланишини қайта-қайта такрорлаб, хайрлашди. Кўнгил қўйган қизидан узоқдалигида телефон орқали сўзлашувлар унинг кўнглига ором, дардига малҳам бўлди. Кунаро севиклиси билан боғланиб турди. Орадан вақт ўтиб, Шоҳистанинг ўзига нисбатан муносабати ўзгара бошлаганини сезди. Бу ҳолат йигитнинг ҳаловатини ўғирлади. Унинг юрагида шубҳа-гумонлар дарахти бўй чўза бошлади.

Дарҳақиқат, Шоҳистани қадрдон уйи, ота-онасидан олисдаги мустақил ҳаёт анча улғайтирган эди. Энди у ўткинчи хаёлларни нари қўйиб, астойдил ўқишга киришганди.

Ойбек бу пайтда муҳаббат соғинчи, изтироби ва ҳижронига дош беролмай, сабр-тоқати тугаб, ишқ дардида қовриларди. Ана шундай кунларнинг бирида у, ота-онасига соғлиғидан шикоят қилиб, шифокорга кўриниш баҳонасида Тошкентга йўл олди. Кўзлаган манзилига келибоқ бозор айланди. Яқин дўсти билан учрашиб "икки оғиз" гурунглашди. Дўсти Зоҳиджоннинг эсдалик совға тариқасида берган пичоқчасини чўнтагига солаётиб, ўзини бахтиёр сезди. У билан яна учрашишни келишиб, Шоҳиста томон қушдек учди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси... ён-атроф ям-яшил тус олган, турфа гуллар ифоридан дил яйрайди. Ойбек секин бораркан, ўзининг ташрифи Шоҳистани шоshириб қўйишини ўйлаб, юраги гуп-гуп уриб кетди. "Огоҳлантирмай келганимдан ранжиб қолса-я", деган хавотирга бориб, кўнгли бироз хижил тортди. Аммо тасодифни қарангки, ҳеч қанча юрмай қаршисида Шоҳиста ва унинг ёнида келаётган йигитга кўзи тушди. Кўнгли алланечук бўлиб, қизга рўбарў келди.

— Салом, Шоҳиста, мени унутиб юбордингиз, шекилли. Ҳатто телефон қўнғироқларимга ҳам жавоб бермаяпсиз. Шу боис сизга хабар бермасдан келавердим, — деди йигит қизга юзланиб.

Кутилмаган учрашувдан довдираб қолган қиз маълум фурсатдан сўнг ўзига келиб, тилга кирди:

— Яхши келдингизми? Бу йигит. Жавлон, бирга ўқиймиз, дарсдан чиққан эдик.

Шундан сўнг Жавлон бироз ноқулай, Ойбек эса ёвқараш тарзида бир-бирига қўл узатди. Жавлон уларнинг бу каби илмоқли гап-сўзларидан тўғри хулоса чиқарди шекилли тезда жуфтакни ростлади.

Шоҳиста эса у кетгач, бир муддат ерга термулиб хаёлга чўмаркан, анчадан буён кўнглига тугиб юрган гапларини айтишнинг, айни мавриди келганлигини англади. Ойбекка бошқа овора бўлиб келмаслигини, ҳали турмушга чиқмаслиги, қолаверса, ота-онаси олис вилоятга қизини узатмаслиги, муносабатларини узил-кесил тугатишни билдирди. Шу тоб Шоҳистанинг вазминлик билан айтаётган гаплари Ойбекнинг юрагига тиғ каби санчилаётгандай эди. Ич-ичидан ингроқ тортди.

— Бу нима деганингиз? — алам билан қизнинг қўлларидан тутди у.

— Қўлимни қўйворинг, қочинг йўлимдан, тинч қўйинг энди мени, — деди қиз ундан қутулиш илинжида орқага тисарилиб.

— Йўқ, йўқ, бундай бўлишига йўл қўймайман! — Шоҳиста ўзини олиб қочгани сайин, Ойбекнинг жаҳли чиқиб, чинакамига дарғазаб бўлаётган эди.

Улар йўл бўйи тортишиб боришди. Аммо бу ҳокисоргина муҳаббат шунча ғавғо чиқаради, деб ҳеч ким ўйламаганди.

Шоҳистага ялиниб-ёлвориш, "қаттиқ гапиришдан" толган, муҳаббати рад этилган, гўё ўзини камситилган деб билган "ошиқ" йигитнинг энди сабри тугаб, кўзи қонга тўлди. Шунча уринишлари бесамар кетганлигидан афсусланиб, қалби ўртанди, дили ғашланди. Ахир, у шунча вақтдан бери орзиқиб, энтикиб, юрагини ҳовучлаб кутгани бир зумда саробга айланди. Энди нима қилса экан... Йўл ўртасида унинг ортидан термулиб, сўппайиб қолаверадими?.. Ўйга ботди. Шунда кўнглида дардабар шамолга монанд, аянчли бир ёвуз ҳис ўтди...

Шоҳиста кутилмаганда келиб теккан зарбдан мувозанатини йўқотди. Буткул эс-ҳушидан айрилган Ойбек эса ён чўнтагидан дўсти совға қилган пичоқни олди-ю, ҳали ўзини ўнглаб улгурмаган қизга санчди. Кетма-кет суқилган тиғ зарбидан қиз ерга қулади...

Қип-қизил қонга бўялган қизнинг тепасида ҳансираган йигит бу жимликдан ҳушёр тортгандек бўлди. Суюклисининг юзтубан танасини ўзи томон ўгирдию, ток ургандек сапчиб тушди. Сўнгра унинг бошини секин кўксига босди ва уввос тортиб йиғлаб юборди...

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида туғилган Ойбек Мусаев айни кучга тўлиб, тоғни урса талқон қиладиган ёшда эди. У тенгдошлари сингари ўқиб, ҳунар эгаллаб ёки Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этмади. Балки уни ўстириб-улғайтирган ота-онаси, маҳалла-кўй, эл-юртнинг бирон корига яраш ўрнига, қўллари қонга ботди. Ўзи севган қизнинг жонига қасд қилганликда айбланиб, узоқ йилга озодликдан маҳрум қилинди.




Ҳа, унинг ёвузлиги, баджаҳллиги оқибатида бир инсон ҳаётдан бевақт кетди. Ваҳшийлик чангалида, унинг жиловсиз муҳаббати қурбонига айланди. Нене орзу-армонларига қўшиб қизини совуқ тупроққа қўйган ота-онанинг фарзанд доғида кўкси тилкапора бўлди. Энг аянчлиси, алпдек бир йигитнинг ёшлик даврини мудҳиш панжара ортида беҳуда совурилишидан асраб, бақога рихлат қилган гулдек қизни бу ёруғ дунёга қайтариб бўлмайди. Негаки, Шоҳиста учун энди баҳор қайтмайди...

**Фарҳод ШУКУРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси,**
**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-969. **Тиражи — 21501**. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz

1 2 3 4 5